# МАВЗУ: ҚУШЛАР СИНФИ СИСТЕМАТИКАСИ

**Режа**

1. Қушлар синфи систематикасининг умумий таснифи
2. Тишли қушлар (Odontognathae) катта туркуми.
3. Пингвинлар (Impennes) ёки сузувчилар (Natantes) катта туркуми.
4. Кўкрактожсизлар ёки туяқушлар (Ratitae) катта туркуми.

# Қушлар синфи систематикасининг умумий таснифи.

Қушлар синфига 8600-9000 тагача тур киради. МДҲ да қушларнинг 800 та тури, шу жумладан Ўрта Осиёда 500 та тури ва Ўзбекистонда 462 та тури учрайди. Қуруқликда яшовчи умуртқали ҳайвонлар орасида қушлар синфи турларининг кўплиги жиҳатдан биринчи ўринда туради. Қушларнинг қазилма топилмаларини ҳисобга олганда, улар иккита кенжа синфга бўлинади:

# Қушлар синфи

Қадимги қушлар ёки калтакесак думлилир (Archaeornithes) кенжа синфи

Елпиғич думлилар ёки ҳақиқий қушлар (Neornithes, Orniturae) кенжа синфи

Археоптерикснинг 1861 йилда топилган қолдиғи ҳозирги вақтда Британия музейида сақланади. Унинг думи узун, олдинги оёқларида эркин бармоқлари бўлиб, тирноқлари билан дарахтга чирмашиб чиқиб яшашга мослашган, уча олмайдиган, судралиб юрувчиларга ўхшаш қушлар бўлган.

Ҳозир яшаб турган барча қушлар шунингдек, учламчи ва бўр даврларида топилган қазилма қушларнинг барчаси елпиғич думлилар ёки ҳақиқий қушлар кенжа синфига киради. Уларда катта тўш суяги борлиги, олдинги оёқларида эркин бармоқлар йўқлиги, думи қисқа бўлиб, унда патлар елпиғичдек жойлашганлиги билан характерланади.

# Ҳақиқий қушлар кенжа синфи

## Катта туркумлари

- Тишли қушлар (Odontognathae)
- Пингвинлар (Impennes)
- Кўкрактожсизлар ёки туяқушлар (Ratitae)
- Кўкрактожлилар (Carinatae) катта туркуми.

# Тишли қушлар (Odontognathae)

Тишли қушлар (Odontognathae) катта туркумига бўр даврида яшаб ўтган гесперорнис (Hesperornis) ва ихтиорнислар (Ichthyornis) киради.
Гесперорнис қирилиб кетган қадимги қушлардан ҳисобланади. Бу қушнинг скелет қолдиқлари Бўр даврининг устки қатламидан топилган. Гесперорнис сувда яшашга мослашган. Боши кичик, жағлари узун ва тишлари бўлган. Кўкрак тож суяги бўлмаган. Қанотлари тўлиқ ўсиб етишмаган, лекин орқа оёқлари кучли ривожланган бўлиб, бармоқлари орасида сузгич пардалари бўлган. Гесперорнис судралиб юрувчилар (динозаврлар) билан ҳақиқий қушлар ўртасидаги оралиқ тур ҳисобланади.
Ихтиорнислар ҳам қушларнинг қазилма ҳолдаги қадимги авлодларидан ҳисобланади. Ихтиорниснинг қазилма қолдиғи биринчи марта 1872 йилда Шимолий Америкада денгизнинг устки бўр қатламидан топилган. Бу қушнинг катталиги каптардай бўлган. Бошқа қадимги қушларга ўхшаш унинг жағларида ҳам майда тишлари бўлган. Кўкрак ва олдинги оёқлари, яъни қанотларининг тузилишига қараганда ихтиорнис яхши учадиган қуш бўлган. Унинг умуртқалари балиқларникига ўхшаш икки томони ичга ботиб кирган. Ихтиорнис скелетининг кўп қисми ҳақиқий қушларникига ўхшаш бўлган

# Ихтиорнис



## Пингвинлар ёки сузувчилар (Impennes) катта туркуми.

Пингвинлар катта туркумининг 1 та пингвинсимонлар (Sphenisciformes) туркуми, 1 та пингвинлар оиласи (Spheniscidae) ва 16 та тури бор. Пингвинлар учолмайдиган, лекин яхши суза оладиган ва яхши шўнғийдиган қушлардан ҳисобланади. Йилига бир марта асосан қуруқликда туллайди, туллаш даври жуда тез (2-3 ҳафта) ўтади. Бу вақтда пингивинлар озиқланмайди. Пингвинлар асосан Антарктида қирғоқларида, Жанубий яримшарнинг қутб минтақасида яшайди. Шимол томонда улар Австралия, Африка ва Жанубий Американинг жанубий қирғоқларига етиб боради. Асосий вакилларига император пингвини (Aptenodytes forsteri), қирол пингвини (A. patagonicus), аделия пингвини (Pygoscelis adeliae), олтин ранг патли пингвин (Eudyptes chrysolophus) ва бошқалар киради

император пингвини



қирол пингвини



кўзойнакли пингвин



# Кўкрактожсизлар ёки туяқушлар (Ratitae) катта туркуми

Бу катта туркумнинг барча вакиллари югурувчи қушлар бўлиб, учиш қобилиятини йўқотган, тўши кўкрактожсиз, ҳаво билан тўлган суяклари яхши ривожланмаган, ясси. Туяқушларнинг энг характерли белгиларига вояга етганларининг гавдаси бир текисда патлар билан қопланган, яъни аптерияси йўқолиб кетган. Патлардаги иккинчи тартибдаги толачаларида илмоқчалари бўлмайди, яхлит елпиғичсиз барча толачалари бир-биридан ажралиб туради. Курак ва коракоид суяклари ўзаро қўшилиб кетган. Ўмров суяги рудимент ҳолида. Оёқларидаги бармоқларининг сони 2 дан 4 тагача бўлади. Суякларининг пиневматиклиги яхши ривожланмаган. Дум безлари йўқ.

Эркакларининг копулятив органи бор. Барча туяқушлар жўжа болали қушларга киради. Улар ҳар хил ўсимлик ва майда ҳайвонлар билан озиқланади. Кўкрактожсизлар ҳозирги вақтда Африка, Жанубий Америка, Австралия ва Янги Зеландияда тарқалган.

# Эпиорнис



# Moa



# Африка туяқушлари (Struthionifores) туркуми.

Бу туркумнинг ҳозирги замонда яшаётган ягона, Африка туяқуши (Struthio camelus) тури учрайди. Вояга етган туяқушнинг бўйи 270 см, оғирлиги 50-90 кг га боради. Қов суяклари қўшилиб кетган ва чаноғи ёпиқ бўлиши билан характерланади. Ҳозирги яшаб турган қушлар орасида энг йириги ҳисобланади. Қанотлари катта, тез югурганда уларни тушириб юради. Эркагининг ранги қора, урғочисиники кулранг, думида ва қанотидаги патлар иккала жинсда ҳам оқ рангда бўлади. У Африка ва Арабистоннинг чўл-даштларида учрайди. Учламчи даврда бу қушларга яқин бўлган турлари Кичик Осиё, Мўғилистон ва Хитойда тарқалган. МДҲ да, эса Украина, Шимолий Қозоғистон, Шарқий Кавказдан ҳамда Бойкўлортидан ҳам қазилма қолдиқлари топилган. Туяқушлар гала бўлиб яшайди. Лекин, моногам қуш, тухум босишда, жўжа боқишда эркак ва урғочи туяқушлар иштирок этади. Уясини эркаклари қуради. Бир неча урғочилари бир уяга 7-9 тадан тухум қўяди. Натижада уяда 15-20 та, баъзан 50-60 та тухум бўлади. Ҳар бир тухумнинг оғирлиги 1,5-2 кг келади. Инкубация даври 40 кундан ортиқ давом этади. Тухумларини кечаси эркаги, кундузи урғочиси босади.

# Африка туякуши



## Австралия туяқушлари ёки казуарсимонлар (Casuariiformes) туркуми.

Бу туяқушлар йирик, 3 бармоқли, қанотлари кучли редукцияланган, устки томондангина яхши кўринади. Патларини ранги кулранг. Боши ва бўйнида ҳам патлари бўлади. Бошидаги патлари яхши ривожланмаган. Уларнинг чаноғи очиқ, патларининг қўшимча танаси бор, оёғи бошқа туяқушларникига нисбатан калта. Насл учун эркаклари қайғуради. Бу туркумга Эмулар (Dromiceus) ва Казуарлар (Casuarius) авлодлари киради. Эмуларнинг узунлиги 170 см, оғирлиги 35-50 кг. Эмулар авлодига кирувчи Эму (Dromiceus novaehollandiae) Австралиянинг қумли чўлларида тарқалган. Улар 4-6 тадан гала бўлиб яшайди, лекин моногам қуш ҳисобланади. Уясига 7-16 та тухум қўяди. Ўсимликлар билан озиқланади. Эмулар совуққа чидамли, лекин намликни кўтара олмайди. Эму Украинанинг Аскания-Нова иқлимлаштириш ва гибридлаш институтида ярим тутқинликда кўпайтирилади. Инкубация даври 52 кун.

Казуар авлодига 3 та тур киради.

# ЭМУ



# Казуар



# Қанотсизлар ёки кивилар (Apterygiformes) туркуми.

Кўкрак тожсизларнинг энг майда вакиллари бўлмиш – кивилар туяқушларнинг ўзига хос туркуми ҳисобланади. Кивилар фақат Янги Зеландия оролларида яшайди, 3 та тури бор. Катталиги товуқдек, оғирлиги 2-3 кг. Тумшуғи узун бўлиб, бир оз қайрилган, бурун тешиклари тумшуғи учида жойлашган, озиқ топишда ҳидлов органи муҳим аҳамиятга эга. Тухумининг узунлиги 12-14 см. Инкубация даври 42 кундан 70 кунгача давом этади. Жўжалари пат билан қопланган ҳолда тухумдан чиқади. 3 та туридан кичик киви (Apteryx oweni) тури «Халқаро Қизил китоб»га киритилган. Киви Янги Зеландиянинг миллий эмблемаси бўлиб, ҳимояга олинган.

# Киви



Киви



# Кўкрактожлилар (Carinatae) ёки типик қушлар (Neognathae) катта туркуми

Бу катта туркумга 8500 дан ортиқ тур киради, деярли ҳамма турлари учади, айрим турлари иккиламчи марта учиш қобилиятини йўқотган. Тўш суягида кўкрак тож суяги, терисида аптерияси, иккинчи тартибли толаларида илмоқчалари ва контур патларида елпиғичлари бор. Найсимон суякларининг ичи бўш ва ҳаво билан тўлган, яъни суяклари пневматик. Кафт суяклари бирлашиб илик суягини ҳосил қилган. Кўкрактожлилар катта туркумининг систематик ҳолати тўғрисида ҳозиргача бир тўхтамга келинмаган. Қуйида бу катта туркумнинг энг муҳим туркумлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

# Гагарасимонлар (Gaviiformes) туркуми.

Бу туркумга 5 та тур киради. Улар Шимолий яримшарда сув ҳавзаларида яшайди, Ўзбекистонда қоратомоқ гагара учрайди. Уларнинг озиғи балиқлар ва сувдаги умуртқасиз ҳайвонлар ҳисобланади. Озиғини 25 м чуқурликка сувга шўнғиб, тутиб ейди. Гагаралар ўсимлик кўп бўлган кўлларда яшайди. Ўрта Осиёга октябрь ойида учиб келади. Жинсий диморфизм сезилмайди. Май ойида уларнинг тухумини Балхаш ва Иссиққўл атрофларида учратиш мумкин. Ин қуришда икки жинс ҳам қатнашади. 2-3 та тухум қўяди. Инкубация даври 28 кунга тўғри келади, жўжа болали. Тухумларини эркаги ва урғочиси навбатлашиб босади. Жўжалари қалин пар билан қопланган бўлади. Улар тухумдан чиқиши билан сувда сузиб кетаолади. Гагараларнинг саноатда аҳамияти йўқ. Лекин, бу қушлар кўлларни безаб туради. Патли терисидан безак тайёрланади. Типик вакили қоратомоқ гагара (Gavia arctica ) ҳисобланади. Ҳажми ғозлардан бирмунча кичик.

# Қоратомоқ гагара



# Гагара



## Қўнғирсимонлар (Podicipediformes) туркуми.

Бу туркум вакилларининг ҳар қайси бармоғи алоҳида тери сузгич пардага ўралганлиги билан гагаралардан фарқ қилади. Ҳажми ҳам кичикроқ. Гавдасидаги патлари зич жойлашган. Патли терисидан безак учун фойдаланилади, яъни бош кийимларга, ёқага безак сифатида тикилади. Бу туркумнинг 20 та тури бўлиб, МДҲ да 5 та тури, Ўзбекистонда эса 2 та тури, яъни катта қўнғир ва қанжир учрайди. Чучук сув қушлари. Ҳамдўстлик давлатлардаги кўл ва дарёларда энг кўп тарқалган вакили – катта қўнғир, яъни чомга (Podiceps cristatus) ҳисобланади

Баҳорда урчиш даврида катта эркак қўнғирнинг бошидан гажак пат ўсиб чиқади. Уларнинг урғочиси эркаклари билан сувда оқиб юрадиган қайиқчага ўхшаш қамишлардан уя ясайди. Шу уяга урғочиси 2-7 та тухум қўяди. Жўжа болали қуш. Тухумни босиб ётишни галма-гал эркаги ва урғочиси бажаради. Хавф сезгудек бўлса, улар жўжаларини елкасиги чиқариб яширади, сувга шўнғиганда эса қаноти остига яширади. Тухумдан чиққан жўжалари йўлли пар билан қопланган бўлади ва ўз ота-онаси билан бирга сузади. Улар бир умр сувда яшайди. Қўнғирлар сувдаги ҳашаротлар, уларнинг личинкалари, моллюскалар ва майда балиқлар билан озиқланади. Озиқ излаб улар 7 м чуқурликкача сувга шўнғий олади. Учиш олдидан тез югуради, яхши учолмайди. Уларнинг гўшти қаттиқ ва бемаза.

## Қизил бўйинли қўнғир



# Кичик қўнғир ёки қанжир



## Куракоёқлилар (Steganopodiformes) ёки пеликансимонлар (Pelecaniformes) туркуми.

Бу туркумга 50 та тур киради ва улар чучук сувларда, қисман эса денгизларда яшайди. Дунёда кенг тарқалган. Оёқлари калта, тўртта бармоқларининг умумий сузгич парда билан қўшилганлиги ва пастки тумшуғининг остида ҳар хил даражада ривожланган тери халтаси борлиги билан бошқа қушлардан фарқланади. Уларнинг орқа бармоғи орқага эмас балки ичга қараган бўлади. Куракоёқлилар сувда яхши сузади ва яхши шўнғийди, моногам қушлардан ҳисобланади, уя қуради, уяларида 1-6 та тухум бўлади. Тухумларини навбатлашиб босади. Жиш болали, яъни жўжалари тухумдан ожиз чиқади, териси яланғоч ва кўзлари юмуқ бўлади. Жўжалари 6-15 ҳафта уясида бўлади ва бу даврда уларни ота-онаси боқади. Бу туркумнинг 2 та оиласи бор: Қоравойлар (Phalacrocoracidae) ва Мешкопчилар ёки бирқозонлар (Pelecanidae). **Қоравойлар оиласининг** 7 та тури бўлиб, улар ўртача ҳажмдаги ва майда қушлар ҳисобланади. **Мешкопчилар оиласи.** Бу оилага ўртача ёки йирик ҳажмдаги қушлар киради. Бўйни ва оёғи узун, думи калта ва кенг. Уларнинг 8 та тури бор.

# Пушти сақоқуш



# Жингалак сақоқуш овози



# Кичик қоравой



Катта қоравой



# Лайлаксимонлар (Ciconiiformes) туркуми.

Бу туркум вакиллари ҳар хил катталикдаги қушлар бўлиб, оғирлиги 100 г дан 6 кг гача боради. 120 дан ортиқ турлари бор. Лайлаксимонлар типик жиш болали қушлар ҳисобланади. Бу туркумга 3 та оила киради: Лайлаклар (Ciconidae), Ибислар (Threskiornithdae), Қарқаралар ёки Қўтонлар (Ardeidae). **Лайлаклар оиласига** 17 та тур киради. МДҲ да, шу жумладан, Ўзбекистонда 2 та тури, яъни оқ лайлак (Ciconia ciconia) ва қора лайлак (Ciconia nigra) уя қуради. **Қарқаралар оиласига** 60 га яқин тур киради. Уларнинг тумшуғи конуссимон, қирралари ўткир, узун, бўйни ҳам анча узун ва ҳаракатчан. Кейинги бармоғи олдинги бармоқлари билан деярли бир хил узунликда. Ўзбекистоннинг дарё ва кўллари қирғоқларидаги қамишзорларда асосан оққўтон, кўк қўтон, кўл буқа учрайди. **Ибислар оиласи** вакилларига ўртача катталикдаги қушлар кириб, ташқи кўринишидан лайлаклар ва балчиқчиларга ўхшайди. Ибислар оиласига 30 дан ортиқ тур киради. МДҲ нинг жанубида 4 та тури учрайди. Уларнинг тумшуғи узун, ингичка ва ўроқсимон эгилган (ибис) ёки ясси, ялпоқ тумшуғининг учи қошиққа ўхшаб кенгайган (қошиқбурун) бўлади. Типик вакилларидан каравайка (Plegadis falcinellus) ва қошиқбурун (Platalea leucorodia) МДҲ нинг Жанубий минтақаларида тарқалган. Қошиқбуруннинг тумшуғи яссиланиб учи куракка ўхшайди.



Оқ лайлак




Кўл буқа

# Кўк кўтон



# Қошикбурун



# Бўронқушлар (Procellariiformes) ёки найбурунлилар (Tubinares) туркуми.

Бу туркумга 80 дан ортиқ тур киради. Улар ташқи кўринишидан балиқчиларга ўхшайди, жуда яхши учади, ҳаётининг кўп қисмини денгиз ва океанларда ўтказиб, кўпайиш даврида қирғоққа тўпланади. Найбурунлиларнинг қанотлари узун ва ўткир, оёқлари эса калта бўлиб, учта олдинги бармоқлари орасида сузгич пардалари бор. Бу қушларнинг бурун тешиклари тумшуғининг учида калта найчалар шаклида ўрнашганлиги билан бошқа қушлардан фарқ қилади. Узун тумшуғининг учи илмоқчали. Типик вакилларига бўронқушлар (Puffinus) билан альбатрослар (Diomeda) киради. Жанубий яримшарда яшайдиган альбатроснинг (Diomedea exulans) бўйи 1 метргача, қанотлари ёйилган ҳолда 3,5 метргача боради. Шимолий денгизларда глупиш (Fulmarus gracialis) учрайди. Узоқ Шарқдаги денгизларда эса качуркалар (Oceanodroma) тарқалган. Улар сув ҳайвонлари билан озиқланади. Денгиз қирғоқларидаги уясига 1 тадан тухум қўяди. Жиш болали қушлардан ҳисобланади.

# Альбатрос (Diomeda exulans).



# Фламингосимонлар (Phoenicopteriformes) туркуми.

Фламинголарнинг оёғи ва бўйни жуда узун, тинч турган вақтида бўйни лотинча «S» ҳарфига ўхшайди. Тумшуғи катта. Тумшуқ асоси баланд бўлиб, ўртасига келиб пастга қайрилган. Тумшуқ қирраларида шох пластинкалари бор. Бармоқларида сузгич пардалари бўлади. Бу туркумнинг вакиллари экваторда кенг тарқалган, 6 та тури бор. МДҲ да қизил қанот фламинго, яъни қизил ғоз (Phoenicopterus roseus) кенг тарқалган. Фламинголар озиқ (планктон) овлаган вақтида тумшуғини сувга ботириб, бошини шундай эгадики, тумшуғининг асоси пастда, учи эса юқорида бўлади. Шу ҳолатда тумшуғи бирмунча очилади ва қуш бошини ритмик ҳолатда чолғу асбобини чалиш ҳаракатига ўхшатиб қимирлатади.

Уларнинг оғирлиги 2,5-4,5 кг атрофида бўлади. МДҲ да фламинголар асосан Шимоли – Ғарбий Қозоғистон кўлларида колония бўлиб яшайди. Улар ерни чуқур қазиб, колония бўлиб уя қуради. Уялари устунсимон, бўйи 50 см га етади. Фламинголар 1-2 та тухум қўяди. Тухумини 1 ой босиб ётади. Жўжа очувчи қушлардан ҳисобланади, жўжалари парли, кўзлари очиқ. Улар соатига 60 км тезликда уча олади. Балиқчи қушлар уларнинг тухумини еб қўйиши мумкин. Фламинголарни ов қилиш тақиқланган.

# Қизил ғоз



# Ғозсимонлар (Anseriformes) туркуми.

Бу туркумга ғозлар, оққушлар ва ўрдаклар киради. Улар йирик ва ўртача катталикдаги қушлар ҳисобланади. Массаси 200 г дан 12-14 кг гача боради. Ғозсимонларнинг оёқлари калта бўлиб, танасининг кейинги қисмида жойлашган. Шунинг учун қуруқликда танасининг олдинги қисмини кўтариб, лапанглаб юради. Бармоқлари 4 та, 3 таси олдинга қараган, орасида сузгич пардалари бўлади. Ғозсимонларнинг тумшуғи юқоридан пастга қараб яссиланган, усти юмшоқ шох парда билан қопланган, қирраларида шох пластинка ёки тишчалар, учида озиқни оғизда тутиб туриш вазифасини бажарадиган қаттиқ тирноқчалари бўлади. Ғозсимонларда дум бези яхши ривожланган. Патлари зич жойлашган. Контур патлари остида парлари жуда кўп. Улар бир йилда бир марта урчийди, жўжа болали. Бу туркумнинг 200 дан ортиқ тури бўлиб, дунёда кенг тарқалган. Ғозсимонлар сув ҳавзалари қирғоқларига уя қуради. МДҲ да ғозсимонлардан доимий уя қурувчи 60 та тури учрайди. Эркакларида копулятив органлари бор. Уларнинг кўп турлари хонаки-лаштирилган бўлиб, саноатда ва спортда катта аҳмиятга эга. Қоқув патларининг туллаши бир вақтда ўтиши сабабли улар 2-5 ҳафта давомида учиш қобилятини йўқотади. МДҲ да ғозсимонлар туркумининг битта-ўрдаклар (Anatidae) оиласи вакиллари учраб, бу оила бир нечта кичик оилаларга бўлинади

**Оққушлар (Cygninae) кичик оиласи** вакиллари ғозсимонлар туркумига кирувчи энг йирик қушлардан ҳисобланади. **Ғозлар (Anserinae) кичик оиласига** ғозлар ва казаркалар киради. Ғозлар кенг тарқалган, айниқса тундрада кўплаб учрайди. Ғозларнинг 170 та тури бўлиб, МДҲ да 12 та тури тарқалган, булар асосан шимолда ва тундрада уя қуради. **Дарё ўрдаклари (Anatinae) кичик оиласига** 80 га яқин тур киради. Уларда жинсий диморфизм мавжуд. **Шўнғувчи ўрдаклар (Aythyinae) кичик оиласига** қизилбош шўнғувчи ўрдак (Aythya ferina), турпан (Melanitta fusca), гагалар (Sonateria)нинг бир неча тури, ҳайдаркокил (Aytha fuligula), хитой ўрдаги (Bucephala clangula) ва бошқалар киради. **Чераглар (Merginae) кичик оиласи** вакилларининг тумшуғи ингичка, учи илмоқчали бўлади. Тумшуғининг четлари аррасимон. Чераглар сувга шўнғиб балиқларни тутиб ейди. Чераглarнинг Россияда 4 та тури, Ўзбекистонда 3 та тури, яъни ёмон черағ (Mergus albellus), ўртача черағ (M.serrator) ва катта черағ (M.merganser) учрайди.

Кўк ғоз



# Суқсур



# Ёввойи ўрдак



# Лочинсимонлар ёки кундузги йиртқичлар (Falconiformes) туркуми.

Бу туркумга 290 га яқин тур киради. Улар ўртача ва йирик қушлар, оғирлиги 35 г дан 10-12 кг гача боради ва ер юзасида кенг тарқалган.
Кундузги йиртқич қушлар жуфт-жуфт бўлиб яшайди. Бу қушларнинг иккала жинси ҳам бир хил хира рангда, лекин урғочиси эркагидан йирикроқ бўлади. Кўпчилик турларида жуфти умрбод сақланади. Улар якка ёки жуфт бўлиб уя қуради, катталари 1-3 та, майдалари 4-7 та тухум қўяди. Тухум босиш ва жўжаларини боқишда иккала жинс ҳам фаол қатнашади. Тасқаралар ўлимтиклар билан озиқланиб, санитарлар ҳисобланади. Уларнинг боши, бўйни яланғоч, чунки қуш чириб ётган ўлимтик ичига бошини киритганида ифлос бўлмайди, бу эса уларни турли тери касалликларидан сақлайди. Лочинсимонлар жўжа болали бўлиб, жўжалари майда турларида 1,5-2 ойдан кейин, йирик турларида эса 3-4 ойдан кейин уяларини ташлаб кетади.
**Америка тасқаралари (Cathartidae)** оиласига 6 та тур кириб, улар Жанубий Америкада ва Шимолий Американинг жануб томонида тарқалган. **Лочинлар (Falconidae)** оиласига ўртача ва майда йиртқич қушлар киради. Республикамизда миққий ва лочин тоғолди ҳудудларда, итолғи эса пасттекисликларда тарқалган. Ўзбекистонда лочинлар оиласининг 10 та тури учрайди. **Қарчиғайлар (Accipitridae) оиласига** кирувчи йиртқич қушларнинг тумшуғи ёнида тишчалари бўлмайди, қанотлари бирмунча калта ва тўмтоқ бўлади, дум патлари анча узун, улар асосан ўрмонларда яшайди, тез югуради, ўз ўлжаларини дарахт тепасида писиб пойлайди, учиб кетаётганда ҳам ерда ҳам ўлжасини тута олади. Ўзбекистонда қарчиғайлар оиласининг 30 га яқин турлари учрайди.

# Чўл бургути



# Катта бургути



Бургут



# Лочин



# Миққий



# Товуқсимонлар (Galliformes) туркуми.

Бу туркум вакиллари ер юзида кенг тарқалган ўртача катталикдаги қушлар бўлиб, ўсимлик озуқаси билан озиқланади. Уларнинг гавдаси пишиқ, ерни ковлашга лаёқатланган тўмтоқ тирноқли оёқлари кучли ривожланган. Тумшуғи бақувват, қанотлари калта ва кенг, жиғилдони ва мускулли ошқозони яхши ривожланган. Уларнинг тўртта бармоғи бўлиб, 3 таси олдинга ва 1 таси орқага қараган. Бармоқлари орасида сузгич пардалари йўқ, асосан ўтроқ ҳолда яшайди ва ер юзида кенг тарқалган. 280 дан ортиқ турлари бор. МДҲ да 20 та тури, шу жумладан Ўзбекистонда 8 та тури учрайди. Улар асосан ўсимликларнинг вегетатив қисми, меваси, уруғи ва ҳар хил умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади.

Товуқсимонлар полигам қушлар. Бу туркумга кирувчи қушларнинг эркаклари кўпинча йирик ва рангдор бўлади. Насл учун асосан урғочилари ғамхўрлик қилади. Урғочилари ер устида чуқурча шаклида уя қуради ва 2 тадан 26 тагача тухум қўйиб, тухумини босиб ётади. Жўжа очувчи қушларга киради. Товуқсимонлар туркумига кирувчи қушлардан кўплаб хонаки зотлар етиштирилган. Кўпчилиги овланади. Бу туркумнинг 4 та оиласи бор 1. Чўптовуқлар (Megapodiidae) оиласи. 2. Қирғовуллар (Phasianidae) оиласи. 3. Қурлар (Tetraonidae) оиласи. 4. Гоацинлар (Opisthocomidae) оиласи.

**Чўптовуқлар (Megapodiidae) оиласига** кирувчи қушлар Австралия ва Тинч океаннинг баъзи ороллари атрофида яшайди. Бу товуқларнинг эркаклари кўпайиш даврида ердан чуқурча қазийди ва бу чуқурчани ҳар хил хас-чўплар билан тўлдиради.

**Қирғовуллар (Phasifanidae) оиласига** товуқсимонлар туркумининг энг кўп турлари киради. Улар асосан Жанубий кенгликларда кенг тарқалган бўлиб, оёқлари патсиз, эркакларининг оёқларида катта пих бўлади. Бу оилага хонаки курканинг аждоди – Шимолий Америка куркаси (Meleagris gallopavo), Африка цесаркаси (Numida meleagris), Ҳиндистон товуси (Pavo cristatus), Ҳиндистон ёввойи банкив товуғи (Gallus gallus), қирғовуллар, какликлар ва беданалар киради.

**Қурлар (Tetraonidae) оиласини** турлари унчалик кўп эмас. Улар Ўрта ва Шимолий минтақалардаги нинабаргли ва аралаш ўрмонларда тарқалган. Қурларнинг эркакларини оёғида пихи бўлмайди, илигининг ярмигача патлар билан қопланган, бармоқларининг четида шох тишчалари бор. Бу оилага қур (Lyrurus tetrix), карқур (Tetrao urogallus), оқ куропатка (Lagopus lagopus) ва чил (Tetrastes bonasia) киради.

**Гоацинлар (Opisthocomidae) оиласига** Жанубий Американинг доим сув босадиган тропик ўрмонларида яшовчи ўзига хос оддий гоацин (Opisthocomus hoazin) деган ягона тур киради.



Каклик

# Бедана



# Қирғовул



# Турнасимонлар (Gruiformes) туркуми.

Бу туркумга яхши югура оладиган, ҳар хил катталикдаги қушлар киради. Кўпчилик турларининг оёғи ва бўйни узун, думи калта бўлади, саёз жойларда озиқланади. Бу қушларнинг кекирдаги узун бўлиб қаттиқ овоз чиқаради. Турнасимонлар туркумига 214 та тур киради. Европа, Осиё, Шимолий Америка ва Австралияда тарқалган. Улар одам бормайдиган кенг ва очиқ жойларда гала бўлиб яшайди. МДҲ да турнасимонлар туркумининг 23 та тури, жумладан Ўзбекистонда учиб ўтиш даврида 3 та тури учрайди. Турнасимонлар туркумининг бир неча оилалари бор. **Уч бармоқлилар (Turnicidae) оиласига** оғирлиги 30-100 г келадиган, узунлиги 12-19 см бўлган беданага ўхшаш турналарнинг 15 та тури киради. МДҲ да Приморье ўлкасининг қуруқ ерларида доғли учбармоқли турна (Turnix tanki) учрайди. Учбармоқли турналарнинг қаноти калта, оёқлари кучли ривожланган. **Ҳақиқий турналар (Gruidae) оиласига** 14 та тур киради, шулардан 7 та тури МДҲ да учрайди. Улардан энг кўп тарқалгани кўк турна (Grus grus) ҳисобланади(175-расм). Кўк турнанинг бўйи 120 см, оғирлиги 6 кг келади. **Туваloқлар (Otididae) оиласи** ҳам турнасимонлар туркумига киради. Типик вакилларига дудак ёки тувалоқ (Otis tarda), бизғалдоқ (Tetrax tetrax) ва йўрға тувалоқ (Chlamydotis undulata) киради. **Сувмошаксимонлар (Rallidae) оиласига** кичик ва ўртача катталикдаги қушлар кириб, улар ўтлоқларда, ботқоқликларда, дарё қирғоқларида учрайди. Уларнинг бўйни узун, оёғи эса калта, тумшуғи ён томондан сиқилган, бурун тешиклари очиқ, қанотлари калта ва тўмтоқ. Типик вакилларига тар-тар (Crex crex), ботқоқ товуқчаси, яъни погониш (Porzana porzana), ғозқанжир (Gallinula chloropus) ва қашқалдоқ (Fulica atra) лар киради.

# Кулранг турна





Гўзал турна



# Сувмошак

# Тувалоқ (дудак)



# Балчиқчисимонлар (Charadriiformes) туркуми.

Балчиқчисимонлар туркуми ҳозирги систематикага асосан балиқчилар, чистиклар ва балчиқчилар кенжа туркумларига бўлинади. Турли классификацияга биноан балчиқчисимонлар туркумининг 11 тадан 18 тагача оилалари ва 300 тага яқин турлари мавжуд. МДҲ да 134 та тури учрайди. **Балчиқчилар (Charadrii) кенжа туркуми** вакиллари майда ва ўртача катталикдаги қушлар бўлиб, оёғидаги бармоқлари орасида сузгич пардалари бор. Тумшуғи узун, ингичка ва тўғри, оёқлари узун, кулранг тусда. Ботқоқлик ва сув қирғоқларида яшайди. Патлари зич, хира-балчиқ тусда. Жўжа болали. Типик вакилларига турухтан (Phielomachus pugnax), лойхўрак (Gallinago gallinago), катта узун бурун балчиқчи (Numenius arquata) киради. **Чистиклар (Alcae) кенжа туркуми.** Чистиклар кенжа туркумининг вакиллари чин чистиклар, денгиз тўтилари, кайралар ва балиқчиларнинг айрим турлари билан биргаликда шимол ва узоқ шарқ денгизларида қушлар бозори деб аталадиган катта колонияни ҳосил қилади ва қояларда уя қуради. Бу кенжа туркумнинг битта чистиклар (Alcidae) оиласи ва 22 та тури бор. МДҲ да 18 та тури учрайди. Чистиклар оиласига кайралар (Uria), тупиклар (Fratercula) ёки топориклар (Lunda) ва чистиклар (Cepphus) киради.

**Баликчилар (Lari) кенжа туркуми.** Бу кенжа туркум вакиллари сув қушлари бўлиб, яхши сузади ва яхши учади. Уларнинг танаси чўзинчоқ, қаноти узун, ўткир, тумшуғи тўғри, бақувват, бироз учи қайрилган. Асосан сувда озиқланади. Ер юзида кенг тарқалган. Баликчилар кенжа туркумининг поморниклар (Stercorariidae), баликчилар (Laridae) ва денгиз қалдирғочлари (Sternidae) оилалари бор. **Поморниклар оиласи** вакиллари қорамтир-қўнғир тусда, ўртача кат-таликда, ер юзида кенг тарқалган денгиз қушлари бўлиб, шимолий муз океани қирғоқларида яшайди. Ерга уя қуради, жуфт бўлиб яшайди. **Баликчилар оиласига** 45-46 та тур кириб, улар оқиш рангли ёки оч кулранг, ёш баликчилар эса қора-кулранг тусда бўлади. **Денгиз қалдирғочлари ёки чигиртчилар (Sternidae) оиласи** вакиллари майда қушлар бўлиб, уларнинг тумшуғи қайрилмаган, қанотлари узун ва ингичка, дум патлари иккига айрилган, яъни қалдирғоч думини эслатади. Колония бўлиб уя курувчи қушлардан ҳисобланади. МДҲ да 10га яқин турлари, шу жумладан Ўзбекистонда 7 та тури учрайди. Типик вакилларига дарё чигиртчиси (Sterna hirundo), қора чигиртчи (Chlidonias niger), оқ қанотли чигиртчи (Chlidonias leucoptenis), балиқчитумшуқ чигиртчи (Gelochelidon nilotica), кичик чигиртчи (Sterna albifrons) ва бошқалар киради.

Қорабошли балиқчи(чағалай)



# Денгиз каптари



Кичик чигиртчи



# Каптарсимонлар (Columbiformes) туркуми.

Каптарсимонлар туркуми бир-биридан кескин фарқ қиладиган 2 та кенжа туркумга бўлинади: каптарлар (Columbae) ва булдуруқлар (Pterocletes). Каптарсимонлар туркумига 311 та тур киради.

**Каптарлар (Columbae) кенжа туркумига** кирувчи қушлар тирик чилигини кундузи ўтказади, тумшуғи калта ва устки тумшуғи асосида юмшоқ, тери-бурмали восковицаси бор. Каптарлар (Columbedae) оиласининг типик вакиллари кўк каптар (Columba livia), гов каптар (C. palumbus), клинтух (C. oenas), қора каптар (C.eversmfnni ), қоя каптари ( C. rupestris ), ғуррак (Streptopelia turtur), тоғ ғурраги (S. orientalis), кичик мусича (S. senegalensus), ҳалқали мусича ёки қумри (S. decaocto) ва бошқалар киради. **Булдуруқлар (Pterocletes) кенжа туркумига** кирувчи қушлар ўртача катталикда бўлиб, узунлиги 22-40 см, ташқи кўриниши билан каптарларга ўхшайди. Булдуруқлар кенжа туркумининг битта булдуруқлар (Pterocletidae) оиласи бўлиб, бу оиланинг 16 та тури бор. МДҲ да, шу жумладан Ўзбекистоннинг дашт ва чўл минтақаларида сувга яқин ерларда булдуруқлардан оқбовур (Pterocles alchata), қорабовур (Pterocles orientalis) ва ўзига хос тузилган сув булдуриғи (Syrrhaptes paradoxus) тарқалган.

# Кўкkaптар



Қорабовур



Мусича



**Каккусимонлар (Cuculiformes) туркуми.** Бу туркумга, асосан ҳақиқий дарахтда яшовчи қушлар киради. Каккусимонларни 2 та, яъни каккулар ва тураколар оилалари бор. Каккулар (Cucculidae) оиласидан 6 та тури МДҲ да, шу жумладан 3 та тури, яъни оддий какку (Cuculus canorus), кар какку (Cuculus saturatus) ва кичик какку (Cuculus policephalus) Ўзбекистонда учрайди.

**Тўтиқушсимонлар (Psittaciformes) туркуми.** Бу туркумга кирувчи қушлар тропик ва субтропик ўрмонларда дарахтларда ҳаёт кечиради. Уларни битта тўтиқушлар (Psittacidae) оиласи ва 325 та тури бор.

**Тентаққушсимонлар (Caprimulgiformes) туркуми.** Тентаққушсимонлар туркуми вакиллари ўртача катталикдаги қушлар бўлиб, массаси 50 г дан 700 г гача боради, тирикчилигини тунда ўтказади, тумшуғи қисқа, лекин оғиз кесими жуда катта. Бу туркумнинг 90 дан ортиқ тури бор. МДҲ да 3 та тури, жумладан Ўзбекистонда 2 та тури, яъни оддий тентаққуш (Caprimulgus europaeus) ва малла тентаққуш (Caprimulgus aegyptius) учрайди.

**Япалоққушсимонлар (Strigiformes) туркуми.** Япалоққушсимонларнинг тумшуғи илмоқдек пастга қайрилган, бармоқлари ўткир тирноқли, патлари юмшоқ, юз қисмида ҳам патлари бор. Япалоққушсимонлар туркумига 140 га яқин тур киради. Шулардан 20 та тури МДҲ да, шу жумладан 10 та тури Ўзбекистонда учрайди.

# Оддий какку



Бойўғли


© Natalia Beshko

# Оддий тентакқуш



**Узунқанотсимонлар (Apodiformes) туркуми.** Бу туркумга узунқанотлар ва майда қушлардан Америка колибрилари киради. Бу туркум узунқанотлар ёки **жарқалдирғочлар (Apodi)** ва **колибрилар (Trochili)** кенжа туркумларига бўлинади.

**Қизилиштонсимонлар (Piciformes) туркуми.** Бу туркумга асосан қизилиштонлар (Picidae) билан туканлар (Rhamphastidae) оилалари киради.

**Кўкқарғасимонлар (Coraciiformes) туркуми.** Бу туркумга 200 га яқин тур киради. МДҲ да 11 та тури, шу жумладан Ўзбекистонда 4 та тури учрайди. МДҲ да 4та оиласи, яъни куркунаклар, кўкқарғалар , кўктарғоқлар ва сассиқпопушаклар оилалари вакиллари учрайди.

**Каркидон қушлар (Bucerotidae) оиласи** ҳам кўкқарғасимонлар туркумга кириб, улар Осиё ва Африканинг тропик ўрмонларида яшайди.

**Тинамулар, яъни яширин думлилар (Tinamiformes) туркуми.** Бу туркум вакилларининг ташқи кўриниши кўкрактожсиз қушларга ва товуқсимонларга ўхшайди. Тинамулар туркумига 1 та оила, 9 та авлод ва 45 та тур киради.

# Қора узунқанот



# Бурмабўйин



**Кўк қарға**



# Чумчуқсимонлар (Passeriformes) туркуми.

Бу туркумга 5000 дан ортиқ тур кириб, ҳозирги яшаб турган қушлар турининг ярмидан кўпини ташкил этади, Ўзбекистода 210 га яқин турлари учрайди. Чумчуқсимонлар туркуми 3 та кенжа туркумга бўлинади (33-жадвал): 1. Қичқирувчи чумчуқсимонлар (Clamatores) кенжа туркуми. 2. Сохта сайровчи чумчуқсимонлар (Menurae) кенжа туркуми. 3. Сайровчи чумчуқсимонлар (Oscines ёки Passares) кенжа туркуми. **Қичқирувчи чумчуқсимонлар кенжа туркумининг** вакиллари прими-тив тузилган бўлиб, товуш чиқарувчи пастки ҳиқилдоқ мускуллари 2 жуфтдан ошмайди. Бу кенжа туркумнинг 11 та оиласи ва 1000 дан ортиқ тури бор. Улар асосан Жанубий Америкада, айрим турлари Шимолий Америкада ва Шарқий яримшарнинг тропик минтақаларида учрайди. Типик вакили тош товуқ. **Сохта сайровчи чумчуқсимонлар кенжа туркумига** 4 та тур кириб, улар Австралияда тарқалган. **Сайровчи чумчуқсимонлар кенжа туркумига** 4000 дан ортиқ тур, 52 тадан 70 тагача оила ва 1000 га яқин авлодлар киради. МДҲ да 330 та тури учрайди ва уларнинг барчаси сайровчи чумчуқсимонлар кенжа туркумга киради. Бу қушларнинг товуш аппарати тўлиқ ривожланган, товуш чиқариш мускуллари 5-7 жуфт бўлади. Сайровчи чумчуқсимонлар кенжа туркумининг асосий оилаларига: **тўрғайлар, қалдирғочлар, жиблажибонлар, қораялоқлар, қарғалар, читтаклар, пашшахўрлар, қарқуноқлар, чуғурчуқлар, вьюроклар, зарғалдоқлар, шақшақлар, нектарчилар, тўқимачилар, жаннатқушлар ва бошқа чумчуқсимонларни** киритиш мумкин.

# Қишлоқ қалдирғочи



Сариқ жибилажибон



# Кулранг қарқунақ



Зарғалдоқ



Чуғурчуқ, қораялоқ



# Қора қарға



# Оддий сувчумчук



# Кичик пашшахўр



Қорашақшақ



Дала чумчук



Қизилтўш



# Сариқ дехқончумчук

